

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУЛЛАЕВА ЛОЛА ДЖАВЛАНОВНА

**НОМУВОФИҚ ИММУН ЖАВОБ БЕРУВЧИ БОЛАЛАРДА
ВАКЦИНОПРОФИЛАКТИКА НАТИЖАЛАРИНИ
МУКАММАЛЛАШТИРИШГА МАЖМУИЙЁНДАШУВНИ АСОСЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧАДОКТОРЛИК(DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Муллаева Лола Жавлоновна

Номувофиқ иммун жавоб берувчи болаларда вакцинопрофилактика
натижаларини мукаммаллаштиришга мажмуий ёндашувни асослаш
..... 3

Муллаева Лола Джавлановна

Обоснование комплексного подхода к совершенствованию вакцино-
профилактики у детей с неадекватным иммунным ответом 27

Mullaeva Lola Djavlanovna

Comprehensive substantiation of approaches to improvement of vaccine
prophylaxis in children with inadequate immune response 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 58

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ПЕДИАТРИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУЛЛАЕВА ЛОЛА ДЖАВЛАНОВНА

**НОМУВОФИҚ ИММУН ЖАВОБ БЕРУВЧИ БОЛАЛАРДА
ВАКЦИНОПРОФИЛАКТИКА НАТИЖАЛАРИНИ
МУКАММАЛЛАШТИРИШГА МАЖМУИЙ ЁНДАШУВНИ АСОСЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Tib64 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати учтилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахбороттаълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Махмудова Дильбар Иноятовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шамсиев Фазлитдин Сайфутдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Бобомуратов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилова Адолат Абдурахимовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси
(Россия)**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) -262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (№__ сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс (+99871) -262-33-14).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А. В.Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А.Шамансурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Докторлик(DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра дунёда эмлаш дастурининг очилиши натижасида ҳар йили 6 млн бола ҳаёти сақлаб қолинади, 750 минг нафар боланинг ногирон бўлиши олди олинади, йилига эмлаш туфайли 400 млн инсон умри сақлаб қолинади¹. Эрта болалик давриданок болалар контингентини бошқарилувчи инфекцияларга қарши иммунизациялашга 95% жалб этиш ушбу эпидемияни бартараф этишнинг асосий талабларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бироқ касалликлар рўйхати етарлича кенг контингентининг мавжудлиги туфайли профилактик эмлашлар календари муддатларида ўз вақтида бор-йўғи 2% дан 28% гача болалар эмланади². Эмлашга қарши фикрлар (АКДС вакцинага – эмлашдан кейинги реакциялар - 40%, ва асоратлар 1–2%) аҳоли ўртасида салбий ҳиссий-психологик таъсирларни келтириб чиқаришда давом этмоқда³.

Жаҳон миқёсида, болаларни ўз вақтида ва хавфсиз эмлашни таъминлаш биринчи галдаги вазифаларга киради ва бу муаммонни ечиш эса болаларни иммунизациялашни юқори даражада ушлаб туриш имконини беради. Бошқарилувчи инфекцияларга қарши, айниқса кичик ёшдаги болалар орасида, эмлаш жараёнларини ўтказиш инфекция элиминацияси, касалланишни камайтиришдаҳал қилувчи аҳамият касб этади⁴. Бироқ ҳозирга қадар саломатлигида муаммолар мавжуд болаларни иммунизациялаш бўйича ягона ёндашувга эришилгани йўқлиги, эмлашга ҳаддан ортиқ ёки етарлича бўлмаганимун жавобни ривожланиш хавфи мавжудлиги муаммонинг долзарблигини белгилайди. Шунингдек, эмлашнинг клиник, иммунологик, серологик ва социологик замонавий жиҳатларини аниқлаш; саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда иммунизациялашга адекват иммун жавобни таъминлаш усуллари ишлаб чиқишилмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Республикада болалар орасида юқумли касалликларни эртаташ хислаш ва асоратларини камайтиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликнинг муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга

¹World Health Organization. Geneva,

2012. Глобальный план действий в отношении вакцин http://www.who.int/immunization/position_papers/ru/

²Костинов М.П с соавт.. Вакцинация детей с нарушенным состоянием здоровья. Москва, 4МПресс, 2013. – 432 с.

³World Health Organization. Adverse events following immunization: causality assessment. Geneva, 2008. t/vaccines-documents/DocsPDF05/815.pdf

⁴Даминов Т. О., Муминова М. Т. Влияние кратности вакцинации на состояние специфического иммунитета у детей, привитых против ВГВ // Инфекционные болезни: проблемы и пути их решения : науч.-практич. конф. - Ташкент, 2011. - С. 50-51

ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»¹ вазифалари белгиланган. Бундан келиб чиққан холда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, болаларда эмлаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда эмлашнинг индивидуал ёндашувга асосланган усулларини такомиллаштиришалоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, бу борада ўсувчи организмнинг атроф-муҳитнинг салбий омилларга қаршилик даражасининг кўтариш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 ноябрдаги ПҚ–2650-сон Қарори билан тасдиқланган «2016–2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Эмлаш самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш, номувофиқ иммун жавоб берувчи болаларда вакцинопрофилактика натижаларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан Иммунизация ва респиратор касалликлар миллий маркази (NCIRD) (АҚШ), VAXINFECTIO – Vaccine & Infectious Disease institute University of Antwerp (Бельгия), London School of Hygiene and Tropical Medicine (Буюк Британия), High Council for Public Health (HCSP) (Франция), National Center of Infectious and Parasitic Diseases (HCSP) (Франция), National Center of Infectious and Parasitic Diseases (Болгария), Касалликлар олдини олиш ва назорат қилиш Европа маркази (Швеция), Халқаро болалар маркази (Туркия), РТФА болалар саломатлиги илмий маркази (Россия Федерацияси), Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Вирусология илмий текшириш институтида (Ўзбекистон Республикаси) олиб борилмоқда.

¹2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

²<https://www.bioportfolio.com/>; <http://www.link.springer.com/>; <https://www.researchgate.net/>; <https://www.ecdc.europa.eu/en/>; <http://www.nczd.ru>.

Жаҳонда болаларни эмлаш ишларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар юзасидан қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: хужайрасиз АКДС ва хужайрали АКДС вакцина самарадорлигига таъсир қилувчи сабаблар аниқланган (Иммунизация ва Респиратор касалликлар Миллий Маркази (NCIRD), АҚШ); оғир бўлмаган ўткир касалликлар билан оғриган болаларни эмлаш хавфсизлиги аниқланган (VAXINFECTIO– Vaccine & Infectious Disease institute University of Antwerp, Бельгия); саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларни кўкйўтал, грипп, пневмокок, Ніб инфекцияларга қарши эмлаш асосланган (РТФА, Россия); профилактик эмлашлар миллий календарига ротавирус инфекцияларга қарши эмлашнинг киритилиши эпидемиологик жиҳатдан асосланган (Вирусология илмий-текшириш институти, Ўзбекистон Республикаси).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида болалардаги бошқариладиган инфекцияларни профилактик эмлаш билан боғлиқ муаммолар ечимини топишга қаратилган қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: саломатлигида муаммолар мавжуд болаларни эмлашдан кейинги иммунитетнинг шаклланиш қонунийлиги ва иммунизациядан кейинги салбий оқибатлар ривожланишини аниқлаш; вакцина антигенларига иммун жавобнинг ёшга оид ва ирсий бўлмаган хусусиятларини аниқлаш; саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда эмлашнинг клиник, иммунологик, серологик ва социологик замонавий жиҳатларини аниқлаш; номувофиқ иммун жавоб (ҳаддан ортиқ ёки етарлича бўлмаган берувчи) болаларни эмлаш хавфсизлиги ва самарадорлигини ошириш усуллари қидириб топиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида кўплаб ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, саломатлигида муаммолар бўлган болаларни профилактик эмлашнинг бир қанча жиҳатларидаги саволлар ҳануз ўз ечимини топмаган. Эмлаш натижаларига таъсир кўрсатувчи омиллар кўламининг кенглиги ушбу тоифа болаларида профилактик эмлашларни ўтказишда ягона ёндашувнинг бўлмаслигини таъминлайди (А.Г. Гайворонская ва ҳаммуалл., 2011; С.П. Каплина, 2012; В.К. Таточенко ва ҳаммуалл., 2014). Вакцинация фойдалари ва хавф категорияларини баҳолашда, бир томондан, эпидемиологик жиҳатдан, иккинчи томондан, иммунизациялаш хизмати вакиллари сифатида умумий амалиёт шифокорлари, педиатрлар нуқтаи назарида қарама-қаршиликлар мавжуд (М.Г. Галицкая, 2010; М.В. Ермоленко, 2014). Жамият ва тиббиёт ходимларининг эмлашдан кейинги реакциялар ва асоратларни нотўғри қабул қилишлари бир томондан ва иккинчи томондан эмлашга нисбатан паст даражали иммун жавобга эга бўлган болалар ҳақидаги кам сонли маълумотлар орасидаги номувофиқлик алоҳида аҳамиятга эга (Г.Г. Онищенко, 2010; Н.И. Брико, 2012).

Мамлакатимиз олимлари томонидан бошқарилувчи инфекцияларда эмлашдан кейинги иммунитет ҳолати, асоратлар суръати ва иммунизациядан кейинги ўлим ҳолатларини ўрганиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди

(Д.А.Аскарлова, 2001; Г.А.Ибадова, 2011;М.Н.Даминова, 2014).Боланинг профилактик эмлашлардан олдинги иммун тизими ҳолати вакцинал жараён кечиш характерини олдиндан аниқлашда муҳим ҳисобланади. Эмлашдан олдин иммунологик механизмлар ҳолатларини ўрганишбошқарилувчи инфекцияларга эмлашдан кейинги иммунитетнингшаклланиши ва иммунизациядан кейинги салбий оқибатлар ривожланишини аниқлаш, болалар иммунопрофилактикасида индивидуал ёндашувларни ишлаб чиқишимконини беради.

Замонавий адабиётларда саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларниэмлаш самарадорлиги ва хавфсизлиги ҳақида ягона фикр мавжуд эмас, услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича иммунитет ҳолати даражасини меъёрлаштиришга етарли даражада эътибор қаратилмаган (С.М.Харит, 2007; А.Л.Заплатникова ва ҳаммуалл., 2013).

Юқорида келтирилган маълумотлар шуни таъказо қиладики саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда иммунопрофилактика янги усуллари кўллаб, улардаги эмлаш жараёнининг хусусиятларини мақсадли йўналтирилган ҳолда аниқлаш ҳамда эмлашга ноадекват жавоб бўйича хатар гуруҳидаги болаларнинг вакцинопрофилактикасини услубий ёндашувларни такомиллаштиришини заруратини кўрсатади ва муаммонинг долзарблиги ва амалий жиҳатдан муҳимлигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ К11–51 «Ноадекват иммун жавобли болаларда вакцинопрофилактикани такомиллаштириш бўйича концепция ва ташкилий чораларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсадипрофилактик эмлашларда иммун жавобнинг шаклланиши ҳамда иммунизация хавфи ва фойдасининг ўзаро нисбатини аниқлаш асосида саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда вакцинопрофилактикага ёндашувларни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнингвазифалари:

саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда эмлаш жараёнининг клиник-иммунологик хусусиятларини аниқлаш;

беморга боғлиқ бўлган омилларнинг иммун жавоб самарадорлигига, болалар эмланишига таъсирини аниқлаш;

саломатлигида ўзгаришларбўлган болаларда эмлашга ноадекват иммун жавобнинг (паст ва ўта юқори) такрорланиш даражаси ва тавсифини аниқлаш;

ноадекват иммун жавобли болаларда организмнинг ўта юқори реакция хавфи ва профилактик эмлашларга вакцинация таъсир кўрсатмаслигини башоратлаш мезонларини ишлаб чиқиш;

жараённинг асосий иштирокчиларибилан боғлиқ эмлаш жараёни муаммоларни аниқлаш;

эмлашга номувофик жавоб берувчи хатаргуруҳидаги болаларнинг иммунопрофилактикасини индивидуаллаштириш бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида эмлашдан салбий оқибатлар келиб чиққан 220 нафар бола, эмланган 365 нафар бола, 65 нафар амалий соғлом болалар, болаларнинг 102 нафар оналари ваэмлашда иштирок этган 104 нафар тиббиёт ходимлари олинган.

Тадқиқотнинг предметисифатида болалар вена қони ва зардоби иммунологик тадқиқотларучун олинди.

Тадқиқотнинг усуллари.Тадқиқотда умумклиник, серологик, иммунологик, ижтимоий ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аллергик касалликлари бўлган болаларда умумий лейкоцитар антигени CD45нинг АКДС+ВГВ+ХИБ ва КПК вакциналар билан *in vitro* экспрессияси даражасининг динамикада ўзгариши исботланган;

саломатлигида ўзгаришлари бўлган болаларда эмлаш жараёнига тартиб бўлмаган ёки ҳаддан ортиқ жавоб реакциясини аниқлаб берувчи беморга боғлиқ асосий анте-интрава постнатал омиллар аниқланган;

саломатлигида ўзгаришлари бўлган болалар иммунреактивлиги бошланғич ҳолатидан иммун жавоб билан эмлаш самарадорлигига боғлиги аниқланган;

саломатлигида ўзгаришлари бўлган болаларда эмлаш самарадорлиги ва хавфсизлигининг клиник-иммунологик мезонлари аниқланган;

касаллик оғирлик даражаси, ремиссиясининг давомийлиги, эмлаш муддатларини ҳисобга олган ҳолда саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларни индивидуал ёндашувга асосланган эмлаш усуллари такомиллаштирилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалий педиатрия учун саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда эмлашга ноадекват иммун жавоб хавфини башоратлаш мезонлари таклиф этилган;

аллергик касалликлар билан оғриган болаларда эмлашга бўлган организмнинг ноҳўя жавобини башоратлаш усуллари такомиллаштирилган;

саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларни эмлашнинг индивидуал ёндашувга асосланган усуллари такомиллаштирилган;

болаларда иммунизациядан кейинги салбий оқибатларни текшириш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлари билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, саломатлигида ўзгаришлари бўлган болаларда эмлашга бўлган паст ва ҳаддан ортиқ даражадаги организм жавоби ривожланиши қонуниятлари аниқлаш келажакда чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратган. Номувофиқ иммун жавоб берувчи болаларда аниқланган АКДС+ВГВ+ХИБ ва КПК вакциналар билан тест тизимида CD45 умумий лейкоцитар антигени экспрессияси даражасининг ўзгариши, вакцинациядан кейинги даврда бошқарилувчи инфекциялар ва патологик ҳолатларга қарши эмлашдан кейинги босқичда антитаналар титрлари ушбу патология патогенезининг янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти туғилишида тана вазни кам бўлган, марказий нерв тизимининг перинатал шикастланиши, сепсис ўтказган, аллергия касалликлар билан оғриган болаларда вакцинация жараёнининг кечиш хусусиятларини очиқ беради. Иммунологик ва серологик тадқиқотлар натижаларининг таҳлили асосида иммунизациядан кейинги салбий оқибатларни ҳар томонлама текшириш алгоритми ишлаб чиқилди, ушбу алгоритмни татбиқ этиш касалликнинг асл сабаблари, баҳолаш мезонларини аниқлаш ҳамда ёрдам кўрсатиш ва касалликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда эмлаш даврининг кечиши, паст иммун жавоб ва ўта юқори реакциялар хавф омиллари, эмлашдан олдинги иммун реактивлиги асосида иммунопрофилактикани такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижаларасосида:

«Алоҳида гуруҳ болаларининг вакцинопрофилактикаси» мавзусидаги услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 5 майдаги 8ш/70-сон маълумотномаси). Таклиф этилган услубий қўлланманинг жорий этилиши саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларни бошқарилувчи инфекцияларга қарши эмлашга тайёрлашда методик ёндашувларни такомиллаштириш имконини берган;

«Эмлашдан кейинги реакциялар ва асоратлар (ташхислаш, клиник кечиши, таснифи)» мавзусидаги услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йил 12 ноябрдаги 8ш/272-сон хати). Ушбу услубий қўлланма аҳолининг эмлашга бўлган муносабатини ижобий томонга ўзгартириб, вакцина билан боғлиқ хавф омилларининг ривожланиш сабабларини аниқлашда методик асос ҳисобланади;

«Эмлашдан кейинги асоратларни ўтказган болаларнинг диспансеризацияси» мавзусидаги услубий қўлланма ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 25 март 8си/85-сон хати). Таклиф этилган услубий қўлланма эмлашдан кейинги асорат ўтказган болаларда реабилитация даволашнинг методик асос ҳисобланади;

саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда касалликнинг оғирлик даражаси ва эмлаш муддатларига боғлиқ ҳолда индивидуал ёндашувга асосланган бошқарилувчи инфекцияларга қарши самарали ва хавфсиз эмлаш бўйича ишлаб чиқилган илмий натижалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 27 январдаги 36-сонли «Бошқарилувчи юқумли касалликлар иммунопрофилактикасини ташкил этиш ва ўтказиш ҳақида» буйруғи асосидасоғлиқни сақлаш тизимига жумладан, Педиатрия РИПИАТМ маслаҳат поликлиникаси, Нукус шаҳри 4-болалар поликлиникасига ҳамда Жиззах вилояти Фориш туманидаги болалар поликлиникасига амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 январдаги №8н-з/11-сон хулосаси). Татбиқ этилган натижалар анъанавий усулларга нисбатан саломатлигида муаммолар бўлган болаларни эмлаш самарадорлигини ошириш, беморнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, реанимация ва интенсив даволаш бўлимларида бўлиш муддатларининг 1,5 ётоқ/кунга қисқартириш билан эмлашдан кейинги асоратлар ва реакцияларни камайтиришга хизмат қилади. Жорий қилинган натижалар бирламчи бўғин шифокорлари томонидан саломатлигида ўзгаришлари бўлган болаларда профилактик эмлашларда кенг фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 44 илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 26 та мақолалар: 21 маҳаллий ва 5 та хорижий журналда. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола чоп этилган, 4 та услубий қўлланмалар нашрдан чиққан, 2 та ЭХМлар учун мулжалланган дастурий маҳсулотлар олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 178 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Саломатлигида ўзгаришлар мавжуд болаларда профилактик эмлашнинг назарий ва амалий асослари» деб номланган биринчи бобида тўрт кичик бобдан иборат адабиётлар шарҳи тақдим этилган: биринчи кичик бобда ёшга кўра организмнинг жавоб реакцияси ҳақидаги тасаввурлар муҳотида болаларнинг эмлашга бўлган иммун жавоби қонуниятларининг назарий асослари батафсил ёритилган; иккинчи кичик бобда болаларда амалга оширилган эмлаш натижаларига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақидаги замонавий қарашлар ёритилган; учинчи кичик боб саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда эмлашдан кейинги иммун жавобнинг клиник-иммунологик хусусиятларига; тўртинчи кичик боб эса бошқарилувчи инфекцияларга қарши иммунизациялаш хавфи ва фойдаларини баҳолашда болаларда эмлашга бўлган ноадекват жавоб ўрни ва ролига бағишланган.

Диссертациянинг «Саломатлигида ўзгаришлар бўлган болалар тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва усуллари: клиник, серологик, иммунологик, ижтимоий ҳамда статистик усуллари баён қилинган.

Мазкур тадқиқот мақсад ва вазифаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий педиатрия тиббиёт маркази негизида профилактик эмлашлар миллий тақвимига мувофиқ кўкйўтал, бўғма, қоқшол, қизамиқ, эпидемик паротит ва қизилчага қарши иммунизацияланган саломатлигида ўзгаришлар мавжуд 2 ойликдан 7 ёшгача бўлган 585 нафар бола текширишдан ўтказилди (Ўзбекистон Республикаси СанҚваМ). Улардан 220 нафар болада иммунизациядан кейинги салбий оқибатлар; 72 нафарида марказий нерв тизимини перинатал шикастланиши; 64 нафарида аллергия касалликлар аниқланган; 144 нафари сепсисни бошдан кечирган; 85 нафари туғилишида кам вазн, шунингдек, улардан 30 нафари (иммунологик тадқиқотларга кўра) ва 45 нафари (серологик тадқиқотларга кўра) соғлом бўлган.

Тадқиқотда эмлаш жараёнининг 270 нафар иштирокчиси иштирокида ижтимоий сўровнома ўтказилди, улардан 102 нафари эмлаш ўтказилиши режалаштирилган болаларнинг оналари, 104 нафари эмлаш жараёнида иштирок этувчи тиббиёт ходимлари, 64 нафари жалб қилинган гуруҳ иштирокчилари (эмлашга жалб қилиниши режалаштирилган болаларнинг оналари, тиббиёт ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари) бўлган.

Илмий ишда қуйидаги тадқиқот усуллари қўлланилди:

– клиник: ҳаёт ва касаллик анамнезини ўрганиш, объектив текширувдан ўтказиш, қон ва сийдик умумий таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, инструментал тадқиқотлар;

– серологик: бўғма, қоқшол, кўкйўтал ва қизамиқ ташхисоти билан суст гемагглютинация реакцияси ёрдамида бошқарилувчи инфекцияларга нисбатан антитаналар даражасини аниқлаш;

– иммунологик: иммунитетнинг ҳужайра бўғинини аниқлаш НПО «Медбиоспектр» (Россия Федерацияси, Москва) томонидан ишлаб чиқилган

моноклонал антитаналар ёрдамида Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий иммунология ва аллергия тиббиёт маркази томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмага мувофиқ билвосита тўғри бўлмаган розетка ҳосил қилиш усули ёрдамида амалга оширилди (1992, 2004). Қондаги Т лимфоцитларнинг иммунитетни назорат қилувчи субпопуляциялари: CD₃ – лимфоцитларнинг умумий миқдори, CD₄ – Т хелперлар, цитотоксик CD₈ – Т супрессорлар, CD₁₆ – табиий киллерлар, В лимфоцитларни (CD₁₉) аниқлаш М.В.Заллялиеванинг (2004) услубий тавсияларига мувофиқ амалга оширилди. А, М, G ва E синфи иммуноглобулинлари қон зардобиди ИФТ усули ёрдамида аниқланди. Нейтрофилларнинг фагоцитар фаоллиги (НФФ) латексли синамада аниқланди. Аллергик касалликлар билан касалланган болаларда *in vitro* вакциналар билан ўзига хос синама ўтказишда CD45 умумий лейкоцитар антигени экспрессияси даражасининг ўзгариш суръатини аниқлашнинг иммунологик усули қўлланилди;

– ижтимоий: махсус ишлаб чиқилган ва аввалдан апробациядан ўтказилган сўровномалар бўйича сўровнома усули, шунингдек, эмлашни ўтказиш ва ота-оналарга масалаҳатлар бериш бўйича малакаларни баҳолаш учун интервью усули қўлланилди.

Олинган натижаларнинг статистик қайта ишланиши Microsoft Office Excel – 2012 дастурий таъминоти ёрдамида Pentium – IV шахсий компютерида статистик қайта ишлашнинг ўрнатилган фаолиятларини киритган ҳолда амалга оширилди. Клиник тадқиқотлар маълумотларини статистик қайта ишлашнинг замонавий ҳисоблаш усуллари – анте- (қарши), интра- (таркибида) ва постнатал (-дан кейин) омиллар кенг рўйхатининг ўзаро таққослаш натижалари бўйича эмлаш натижаларининг нисбий имконияти ва нисбий хатарини баҳолаш билан «тасодифий назорат» усули қўлланилди. Иммунитетдаги бузилишларни батафсил баҳолаш учун А.М.Земсков таклиф қилган усуллар (2008): иммунологик бузилишлар даражасини ҳисоблаш; А.Д.Горелик ва В.А.Скрипкин формулалари бўйича ташхислаш қиймати коэффицентини ҳисоблаш (1974); иммун тизими бузилишларининг ҳисоб-китоб усуллари қўлланилди.

Диссертациянинг «Саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда эмлаш жараёни кечишининг ўзига хослиги» деб номланган учинчи боби саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда эмлаш жараёни кечишининг ўзига хос томонларини ёритишга бағишланган. Ўзбекистон Республика Санитария эпидемиология хизмати иммунопрофилактика бўлимининг сўнгги 5 йил мобайнидаги маълумотларига кўра эмлашга бўлган иммун жавоб таъсирини баҳолаш натижалари эмлашдан ўтказилган болалар орасида умумий иммунитетда барқарор яхшиланиш кузатилганлигидан далолат беради. Ушбу баҳолаш фақатгина сероманфий натижалар учраш даражасини аниқлаш йўли билан амалга оширилади, бироқ шу билан бирга саломатлигида муаммолар бўлган болалар орасида баҳолаш зарур бўлган антитаналарнинг паст титрлари частотасини акс эттирмайди, сабаби бу каби иммунитет тез йўқолади ва умумий иммунитет ҳолати учун хавф туғдиради.

Эмлашдан кейинги реакциялар ва асоратлар бўйича хавфли ҳолатларни аниқлаш мақсадида сўнгги 15 йил давомида профилактик эмлашлар ўтказилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган илмий педиатрия марказига патологик ҳолатлар бўйича мурожаат этган болаларнинг тиббиёт ҳужжатлари (касаллик тарихи, амбулатор карталар) ўрганилди. Ота-оналар ва бирламчи бўғин тиббиёт ходимлари аввалги эмлаш билан боғлиқ деб топган ҳолатлар бўйича умумий мурожаатлар сони 1432 тани ташкил этди, улардан кейинчалик махсус таҳлилга кўра ҳақиқатдан ҳам эмлаш сабаб бўлган 220 та (15,4%) ҳолат ажратилди. Ўтказилган таҳлилга кўра эмлаш натижасида юзага келган аниқ эмлашдан кейинги реакциялар ва асоратлар 109 (49,5%) ҳолатда аниқланган. Қолган 111 ҳолатда эмлаш асосий касаллик оғирлашишини кўзғатувчи омил ролини ўйнаган ҳамда юзага келиш вақти бўйича интеркуррент касалликлар тўпланиши билан мос келган. Қўшимча ҳолатлар, яъни эмлашдан кейинги реакциялар ва асосий касалликларнинг кескинлашуви 21 нафар (9,6%) болада кузатилди. Вакциналарнинг алоҳида турларини одам организмга киритишдан кейин патологик ҳолатлар учраш суръатини тадқиқ этиш пентавалент (АКДС+ВГВ+ХИБ) вакциналар юборишдан кейинги реакциялар билан таққослаганда, АКДС ва КПК вакциналарини юборишга бўлган реакциялар умумий сонининг юқори даражада эканлигини кўрсатди.

Эмлашдан кейинги асоратлар ва реакциялар бўйича хавф ҳолатида, асосан, марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишли (41,1% ва 44,5%), аллергик касалликлари (31,5% ва 25,0%) бўлган ҳамда бактериал инфекцияларнинг оғир шакллари билан бошдан кечирган (8,3% ва 9,6%) болалар устунлик қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Эмлашдан кейинги реакциялар ва асоратлар (ЭКР/ЭКА) бўйича хатар ҳолатларининг таркибий қисми

Кўрсаткичлар	ЭКР (n=73)		ЭКА (n=36)	
	абс.	%	абс.	%
МНТ перинатал шикастланиши	30	41,1	16	44,5
Аллергик касалликлар	23	31,5	9	25,0
Бактериал инфекцияларнинг оғир шакллари билан кейинги ҳолат	7	9,6	3	8,3
Эмланаётган шахс яқинида инфекция билан касалланган беморнинг мавжудлиги	13	17,8	5	13,9
Дастурий хатолар	–	–	3	8,3

Марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишли болаларда (220 нафаридан 92 нафарида) эмлашдан кейинги босқичнинг клиник кечиши тез-

тез учраши ҳамда умумий эмлашдан кейинги реакцияларнинг ривожланиш хавфи ва нисбий имкониятининг юқорилиги (кучли иситма $OR=4,0$ ва $RR=1,75$), эмлашдан кейинги умумий асоратлар: токсик – интоксикация, тана ҳароратининг $38,5^{\circ}C$ дан ошиши ва бошқалар ($OR=2,86$ ва $RR=2,8$); тортишиш синдромлари ($OR=7,29$ ва $RR=7,7$); (миядаги) қаттиқ чинқирик ($OR=4,28$ ва $RR=4,57$), асосий касалликнинг оғирлашуви – марказий нерв тизимининг перинатал шикастланиши ($OR=2,03$ ва $RR=1,91$) ва умумлашган иммунизациядан кейинги салбий оқибатлар ($OR=3,5$ ва $RR=1,87$) билан характерланади.

Иммунизациядан кейин ушбу салбий оқибатлар ривожланиш хавфи бир қатор анте-интранатал: ҳомила гипоксияси ($OR=9,98$ ва $RR=2,95$); туғруқдаги патологиялар ($OR=6,1$ ва $RR=2,78$); ҳомиладорлик давридаги ўткир респиратор касалликлар ($OR=4,39$ ва $RR=1,76$), шунингдек, бошқа постнатал омиллар бўлиб, улардан энг аҳамиятлилари қуйидагилар: марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишли бўлган болаларни АКДС вакцинаси билан 6 ойликка қадар эмлаш ($OR=9,48$ ва $RR=2,74$); ушбу гуруҳ болаларида марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишининг ўртача оғир ва оғир даражасининг мавжудлигида ($OR=3,06$ ва $RR=2,34$) кузатилган.

Марказий нерв тизимининг перинатал шикастланишли мавжуд болаларда эмлашдан кейин иммунитет ҳолати бўғма ва кўкйўталга нисбатан (мос равишда $25,7\%$ ва $50,0\%$) сероманфий натижаларнинг юқори частотаси ($17,1\%$) ва антитаналарнинг паст титрларини (30%) кўрсатди, яъни ушбу бошқарилувчи инфекцияларга қарши ҳимоя титрлари ишлаб чиқишнинг паст частотаси кузатилган. Кўкйўтал мисолида келтирилган болалар гуруҳида антитаналарнинг ҳимояга эга бўлмаган титрлари ишлаб чиқилишининг нисбий имконияти ва хавфи анте-интранатал даврнинг бир қатор омиллари – туғруқдаги нуқсонлар ($OR=16,4$ ва $RR=2,96$), ҳомиладорлик даврида дори воситаларини қабул қилиш ($OR=6,25$ ва $RR=3,88$), камқонлик ($OR=4,88$ ва $RR=2,06$), ҳомиладорлик давридаги ўПК ($OR=3,62$ ва $RR=2,24$) ва бошқалар, шунингдек, постнатал давр омиллари – касалликнинг ўртача оғир ва оғир даражаси ($OR=5,71$ ва $RR=2,7$), 6 ойликдан кичик муддатларда эмлаш ($OR=24,0$ ва $RR=3,09$) ва бошқа омиллар бўлган.

Иммунизациядан кейинги салбий оқибатларга эга бўлган 220 нафар боладан 79 нафари аллергик касалликлар (озиқавий аллергия, аллергик ринит, бронхиал астма, атопик дерматит) билан оғриган болалар бўлиб, уларнинг эмланиш даври клиник кечиши бир қатор белгилар билан тавсифланган. Эмлашдан кейинги умумий реакциялардан бу гуруҳ болаларда тери қатламидаги полиморф тошмалар ва қичималар кузатилган ($17,7\%$), бу эса ушбу симптом ривожланишининг нисбий имконияти ва хатарининг назорат гуруҳига нисбатан мос равишда $7,38$ ва $6,32$ марта ўсишига олиб келган. Эмлашдан кейинги маҳаллий асоратлар нисбий имконияти ва хавфи мос равишда $8,57$ ва $10,7$ марта ошган. Аллергик касалликлар билан оғриган болаларда эмлашдан кейинги умумий асоратлардан анафилактоид реакция (Квинке шиши, эшакеми ҳ.к.) ишончли кўп кузатилди – $OR=6,70$ марта ва $RR=8,40$ марта ошган. Асосий гуруҳдаги болаларда интеркуррент касалликлар юзага келишининг

нисбий имконияти ва хавфи мос равишда 2,55 ва 2,0 марта ошган. Аллергик касалликлар билан оғриган болаларда иммунизациядан кейинги салбий оқибатларнинг ривожланиши оналик омиллари ва болада аллергик касалликларнинг оғир шакллари билан бириккан ҳолда аниқланди – OR=9,3 ва RR=2,93.

Ушбу гуруҳдаги болаларда назоратдаги болалар билан таққосланганда қизамиққа қарши антитаналарнинг ҳимоя титрлари ишлаб чиқишлигининг аниқ паст кўрсаткичлари кузатилди – 31,3%. Аллергик касалликлар билан оғриган болаларда қизамиққа бўлган антитана титрларининг ўртача геометрик кўрсаткичи $1:23 \pm 0,8$ бўлиб, соғлом болалар билан таққосланганда аниқ паст кўрсаткичдадир ($1:97 \pm 1,2$). Кўпгина хатар омилларидан эмлаш натижаларига постнатал омиллар энг кўп таъсир кўрсатган, яъни беморнинг асосий, омиллари – оксил-қувват етишмовчилиги (OR ва RR 23,1 ва 17,5 марта ошган), тери ва шиллик қаватлар касалликлари (OR ва RR 10,2 ва 3,34 марта ошган), экссудатив-катарал диатез (OR ва RR 5,8 ва 4,4 марта ошган), касалликнинг эрта босқичларидаги эмлашлар (OR ва RR 4,4 ва 2,2 марта ошган) шулар жумласидан.

Транзитор иммун танқислик ҳолати кичик ёшда оғир бактериал инфекциялар билан бириккан ҳолда етарлича кўп учровчи эмлашдан кейинги натижаларни аниқловчи омиллардан бири ҳисобланади. Ушбу муаммо сепсис мисолида кўриб чиқилган. Септик жараён эмлашга жавобнинг сероконверсия паст кўрсаткичлари билан тасдиқланувчи инфекциядан ҳимояланишнинг бузилиш синдроми кўринишидаги оқибатлар билан биргаликда кузатилади. Худди шундай бўлмага қарши серосалбий натижаларва антитана ҳосил бўлишининг паст титрлари частотаси – 61,1% (1-расм).

Бунда эмлашдан кейинги реакциялар ва асоратлар частотаси соғлом болалардан аҳамиятли фарқ қилмаган. Бўлма анатоксинига антитаналар титрларининг ўртача геометрик кўрсаткичлари асосий гуруҳда $50,7 \pm 1,7$ ва соғлом болалар гуруҳида $1:153,7 \pm 13,7$ эканлиги аниқланди ($p < 0,01$).


Бўлмага қарши эмлашда сероконверсиянинг паст ва салбий натижаларига таъсир кўрсатувчи бирмунча аҳамиятли хатар омилларини, асосан, анте-интранатал давр омиллари, яъни: туғруқдаги патологиялар – OR=7,2 ва RR=2,6; ҳомиладорлик даврида дори воситаларини қабул қилиш – OR=4,8 ва RR=2,2 ва бошқалар; постанатал давр омиллари: оксил-қувват етишмовчилиги (OR=10,47 ва RR=9,5), ошқозон-ичак йўли фаолиятининг бузилиши (OR=7,3 ва RR=2,43) ва бошқа омиллар ташкил этди.

Кеч ривожланувчи, жумладан, туғилишида тана вазни кам бўлган болаларда (ҳомиладорлик даврида ривожланишдан ортда қолган ва чала туғилган болалар) бемор-тобелик омиллари мажмуи билан боғлиқ ва ёш омиллари асосида стандарт ёндашилиб эмланганда иммун жавобнинг паст даражаси юқори хатари мавжуд бўлади.

Туғилишида тана вазни кам бўлган болаларда эмлашдан кейинги ҳолат тадқиқ этилганда антитоксик иммунитетнинг кўкйўтал 76,0%, бўлма 52,0% ва қоқшолга нисбатан 45,6% ҳолатларда аниқ паст кескинликдаги даражасини

кўрсатди. Бу ҳолатда титрларнинг ўртача геометрик кўрсаткичлари мос равишда 1:20,6, 1:45,8 ва 1:78,4 бўлган. Анте-интранатал (токсикоз, ҳомиладорлик даврида дори воситаларини қабул қилиш ва ҳ.к.) ҳамда постнатал (камқонлик, психомотор ривожланишда ортда қолиш ва ҳ.к.) даврларнинг оғир кечиши ушбу берилган бошқарилувчи инфекцияларга қарши антитаналар ҳимоясиз титрлари ишлаб чиқилишининг нисбий имконияти ва хатарининг бирмунча ошишига олиб келган.

Бўғмага қарши



Қоқшолга қарши



Изоҳ: * - асосий ва назорат гуруҳи болалар кўрсаткичлари билан ишончли фарк, (<0,05)


1-расм. Сепсисни бошдан кечирган болаларда бўғма ва қоқшолга қарши эмлашдан кейинги иммунитет кўрсаткичлари.

Шундай қилиб, саломатлигида юқорида келтирилган ўзгаришлар бўлган болаларда эмлаш жараёнида текширишдан ўтказиш ноадекват иммун жавобнинг (паст ва ўта юқори даражадаги) юқори кўрсаткични аниқлади. иммунизациядан кейинги салбий оқибатларривожланиши бўйича болаларда хатарли ҳолатлар сифатида марказий нерв тизимини перинатал шикастланиши ва аллергик касалликлар асосий ўринни эгаллади. Бошқарилувчи инфекцияларга

сероконверсиянинг паст даражаси марказий нерв тизимини перинатал шикастланишли болаларда, аллергия касалликлар бўлган болаларда, сепсисни бошдан кечирган ва туғилишида кам вазнга эга бўлган болаларда аниқланди.

Диссертациянинг «Эмлаш жараёни даврида патологик ҳолатлари ва касалликлар тез-тез такрорланиб турадиган болаларда иммунитет тизимининг аҳволи» деб номланган тўртинчи боби саломатлигида ўзгаришлар бўлган болаларда ҳужайравий ва гуморал иммунитет ҳолати тавсифига бағишланган. Эмлашдан аввал марказий нерв тизимини перинатал шикастланган болаларни иммунологик текширишдан ўтказиш иккиламчи иммунитет танқислиги – иммунитетнинг Тҳужайра ҳалқаси меъёрининг бузилиши, фагоцитоз вадисиммуноглобулинемияни аниқлаш имконини берди, бу бузилишлар, асосан, бола ҳаётининг биринчи ярим йиллигида намоён бўлиб, марказий нерв тизимини перинатал шикастланиши оғирлик даражасига боғлиқ бўлган.

Иммунитетнинг аниқланган ҳужайравий ва гуморал ҳалқалариномувозанати 35% болаларда Тлимфоцитларнинг иммунитет бузилиш даражаси 2–3-босқичи ва Влимфоцитлар иммунитет бузилишининг иккинчи босқичи даражасида, ФАН – 35%, СД8 – 76,3% ҳолатда (2-босқичи) бўлган. Иммунитетнинг гуморал ҳалқасида IgM иммун етишмовчилиги 70% (2-босқич) марказий нерв тизимини перинатал шикастланишли бўлган болаларда қайд этилган. СД4 даражасининг 3-босқичгача кучайиши 52,5% ва 2-босқичгача кучайиши 28,8% болаларда қайд этилган (2-расм).



2-расм. Учраш даражаси таҳлили натижаларига кўра МНТПШ бўлган болаларда эмлашдан аввалги иммунитет ҳолатининг кўрсаткичлари.

Ташхис қиймати коэффицентини ҳисоблаш асосий гуруҳ болаларида иммун бузилишларнинг асосий кўрсаткичлари ва даражасини аниқлаш имконини берди: $СД8^2 + ФАН^2 - СД4^3 - IgM^2 - Тл^2 - Вл^2 - СД16^2 + Лимф^2 - IgG^2 - Лейк^2 + IgA^2$. Олинган натижалар асосида иммун тизими бузилишлари формуласи (ИТБФ) аниқланди: $СД8^2 + ФАН^2 - СД4^3$. Номувозанат 2-босқич ФАН пасайиши, СД8 даражасининг иккинчи босқичгача супрессияси ва 3-босқич даражасида СД4 стимуляцияси билан характерланади. Марказий нерв тизимини перинатал шикастланишибўлган болаларда иммун бузилишлар ва сероконверсия даражаларининг корреляцион таҳлили кўпчилик кўрсаткичлар

ўртасидаги ўзаро боғлиқликни аниқлашга ёрдам берди. 2- ва 3-босқич иммун бузилишлар даражаси ва кўкйўталдан химояламайдиган титрлар кўрсаткичлари ўртасида ўзаро тўғридан-тўғри ишончли алоқа аниқланди.

Аллергик касалликлари бўлган болаларда профилактик эмлашлар ўтказилишидан аввал иммунитет тизимининг ҳужайравий ва гуморал кўрсаткичлари бўйича иммун бузилишларнинг 2-босқичи даражасидаги – 63,6% болаларда Тлимфоцитлар, 36,4% болаларда Тхелперлар, 100% болаларда Т супрессорлар, 42,1% болада ФАН ва 75,5% болада IgA даражасининг пасайиб кетиши кўринишидаги ўзаро номувофиқликлар кузатилди. Иммун тизимининг гиперфункцияси 2-босқич IgM даражаси бўйича 31,3% болаларда ва 3-босқич IgE миқдори бўйича 87,9% болаларда кузатилган. Аллергик касалликлар билан оғриган болаларда иммун ҳолатининг ҳар бир кўрсаткичи бўйича ташхис қийматининг коэффициенти ҳисобланди ҳамда ушбу коэффицент асосида қуйидаги тенглама ишлаб чиқилди: $CD8^2-IgE^3+Lимф^2-ФАН^2-CD4^2-Tл^2-IgM^2+Вл^2-IgA^2-CD16^1$. Текширилаётган болаларда ИТБФ IgE 3-босқичи миқдорининг ошиши билан 2-босқичли лимфопения фонида цитоксик Т-лимфоцитлар миқдори етишмаслиги билан характерланди.

Қизамиққа иммун бузилишлар ва сероконверсия даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион таҳлил антитана химоя титрларининг I босқич иммун тизими гиперфункцияси (ИТГ) билан ва I босқич иммун етишмовчилиги билан ўзаро алоқада эканлигини кўрсатди. Антитаналар химоясиз титрларининг III даражали ИТГ билан кучли тўғридан-тўғри корреляцион ўзаро боғлиқлиги ($r=0,92$) ва иммун етишмовчилигининг III даражаси билан ўртача ўзаро боғлиқлиги аниқланди ($r=0,56$).

Сепсис реконвалесцентлари бўлган болаларда профилактик эмлашларни ўтказишдан аввал иммун ҳолатининг жиддий дастлабки бузилишлари аниқланди, бу бузилишлар Тхужайравий тизими етишмовчилиги, фагоцитоз ва 2–3-даражаларгача бўлган диссиммуноглобулинемия кўринишида акс этган. Ушбу гуруҳ болаларда иммун бузилишлар уларнинг 91,3 фоизида 2-даражали лимфоцитлар, 86,9 фоизида 2-даражали Тлимфоцитлар, 13,1 фоизида 3-даражали Тлимфоцитлар, 80,4 фоизида 2-даражали Влимфоцитлар ва 19,6 фоизида 3-даражали Влимфоцитлар умумий сонининг камайиши билан характерланган. Шу билан бирга 2–3-даражалар чегарасида CD4, CD8, CD16 абсолют сонининг ишончли пасайиши ҳам кузатилган, бу иммуните Тхужайравий халқасининг депрессиясидан далолат беради. Имуноглобулинни текшириш жараёнида текширилаётган болаларнинг 100% ида 3-даражали IgA кўрсаткичининг ишончли ошиши аниқланди. Иммун бузилишлар даражаси таҳлили ҳамда уларнинг ташхислаш қиймати коэффицентини ҳисоблаш сепсисни бошдан кечирган болаларда ўзгарган иммунологик кўрсаткичлар рўйхатини тузиш имконини берди: $Лимф^2-CD4^3-CD8^2-Tл^2-CD16^2-Вл^2-IgA^3+ФАН^1-IgM^1+IgG^1-Лимф^2-CD4^3-CD8^2-ТБФ$ нинг асосий кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланди.

Сепсисдан кейин эмланган болаларда антитаналарнинг химоя титрлари кўрсаткичи I даражали ИБС билан ($r=-0,48$, $p<0,05$) ишончли корреляцион тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқликка ва I-даражали ИТГ билан кучсиз қарама-

қарши боғлиқликка эга бўлишган ($r=-0,34$, $p<0,05$). Антитаналарнинг ҳимоясиз титрлари бошқарилувчи инфекциялар юзага келиши натижасида ИБС II ва III даражалари билан кучли ўзаро ижобий боғлиқликка (мос равишда $r=0,74$ ва $r=0,88$, $p<0,01$) ва III даражали ИТГ билан кучсиз ўзаро салбий боғлиқликка ($r=-0,36$, $p<0,05$) эгаллиги аниқланди.

Туғилишида кам вазнга эга бўлган болаларда эмлашдан олдинги даврда лимфоцитлар ва субпопуляциялар, ФАН, IgA, IgG даражаси ($p<0,001$) абсолют ва нисбий миқдорининг камайиши ва иммун бузилишлар иккинчи даражасида IgM ошиши ($p<0,05$) кузатилди. Ташхис қиймати коэффициенти ҳисобидан ўлчамлар ўзгариш рейтингини тузиш иммунитет ҳалқалари бўйича иммун тизимининг гипо- ва гиперфаолиятининг асосий кўрсаткичларини аниқлаш имконини берди: $Vл^2-ФАН^2-Тл^2-IgG^2-CD8^2-Лимф^2-CD16^2+Лимф^2-Лейк^2+СД4^1-IgM^1-IgA^1$. Иммунтизимидаги бузилишларнинг бошланғич формуласи таркибий қисмининг асосий ўлчамлари $Vл^2-ФАН^2-Тл^2$ -бўлиб, улар ушбу ҳолатдаги беморларда 2-даражали Влимфоцитлар, 2-даражали ФАН ва 2-даражадаги Тлимфоцитлар сонининг камайиши кўринишидаги иммун тизими номувозанати мавжудлигини тавсифлайди.

Кўкйўтал пайдо бўлишидан ҳимояловчи антитана титрлари ИБС I даражаси ($r=0,58$, $p<0,01$) ва ИТГ I даражаси ($r=0,44$, $p<0,05$) билан ўзаро тўғридан-тўғри ўртача корреляцион ишончли боғлиқликка эга.

Шундай қилиб, хатар гуруҳига кирувчи болалар гуруҳида ноадекват иммун жавобнинг тез-тез учраш даражаси асосида иммун бузилишларнинг 2-3-даражаси билан акс этувчи иммун тизимидаги бошланғич бузилишлар ётади, улар бошқарилувчи инфекцияларга қаратилган сероконверсия натижаларида ўз аксини топади. Ушбу ҳолат иммун бузилишлар ва сероконверсия даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар билан тасдиқланади.

Диссертациянинг «**Эмлашга ноадекват жавобга кўра хатар гуруҳига кирувчи болаларнинг профилактик иммунизациясини индивидуаллаштириш бўйича услубий ёндашувларни такомиллаштириш**» деб номланган бешинчи бобида хатар гуруҳидаги болаларнинг эмлаш натижаларини яхшилаш бўйича услубий ёндашувлар такомиллаштирилган.

Салбий реакциялар, неврологик намоён бўлишнинг оғирлашиши, иммунитет тизимидаги бузилишлар ва сероконверсиянинг қониқарсиз натижалари юқори даражада тез-тез учраши марказий нерв тизимини перинатал шикастланиши оғирлик даражасидан келиб чиққан ҳолда АКДС/пентавалент вакцинаси билан эмлашда оғирликнинг фон патологиясини ҳисобга олган ҳолда эмлаш муддатларини дифференциал аниқлашни кўзда тутувчи, марказий нерв тизимини перинатал шикастланиши ўрта оғир ва оғир шакллари индивидуал эмлаш муддатларини аниқлаш учун танлаш мезонлари сифатида фойдаланиш; марказий нерв тизимини перинатал шикастланиши ўрта оғир ва оғир шакллари бўлган болаларни ЎзР Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган илмий педиатрия марказида чақалоқлар реабилитацияси бўлимида К.Ш.Салихова бошчилигида ишлаб чиқилган


схемалардан фойдаланиб зарурий мажмуий реабилитация муолажалари ўтказилгач, 6 ойликдан кейин эмлашни бошлаш мумкин.

Реабилитацион терапия олган ва 6 ойликдан сўнг эмланган болаларда иммунологик параметрлар меъёрлашуви динамикаси кузатилди ва бу I босқич охирида иммун ҳолати кўрсаткичлари аҳамияти билан тасдиқланди (транзисторли, вақтинчалик). Реабилитацион терапия ва эмлашнинг кечиктирилиши Марказий нерв тизимини перинатал шикастланишли бўлган болаларда сероконверсия даражасига ижобий таъсир кўрсатди ва бу 65,0% болаларда антитаналарнинг бўғмага қарши ҳимоя титрлари (ўртача ва юқори) сонинг ошиши ва 10,0% болаларда антитаналарнинг кўкйўталга қарши юқори титрлари сонининг ошишида ўз аксини топди.

Аллергик касалликлар билан оғриган болаларда эмлашни башорат қилишни объективлаштириш мақсадида *in vitro* тест-тизимда CD45 умумлейкоцитар антигеннинг экспрессия вакциналар билан (АКДС+ВГВ+ХИБ, КПК) даражаси ўрганилди, бу вакцина антигенига сенсibiliзация даражаси кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги аниқланди. Бунда CD45 тест-тизимда пентавалент вакцина билан ва *in vitro* КПК вакцинасининг экспрессия даражаси аллергия касалликлари бўлган болаларда аллергия касалликлари бўлмаган болаларга нисбатан мос равишда 43,3% ва 53,3% ҳолатларда аниқланди.

Эмлаш натижалари учун касалликнинг навбатдаги зўрайишидан кейин ремиссия давомийлиги аҳамияти ҳақидаги маълумотлар(эмлашдан кейинги асоратлар ва реакциялар частотаси ва сероконверсия кўрсаткичлари)ни инобатга олган ҳолда ушбу гуруҳни эмлашга услубий ёндашиш усуллари ишлаб чиқилди, унинг таркибига ножўя таъсирлар хавфини башорат қилишга асосланган индивидуал ёндашув, аллергия касалликнинг навбатдаги зўрайишидан 2 ойдан кам бўлмаган кейинги муддатларда АКДС+ВГВ+ХИБ ва КПК эмлашни ўтказиш, аллергия касалликлари бўлган болаларда эмлашга ножўя таъсирларни башорат қилишда маълумотлар усули сифатида АКДС+ВГВ+ХИБ ва КПК вакциналар билан умумлейкоцитар антиген CD45 ни *in vitro* тест-тизимда экспрессия даражаси динамикасини аниқлаш кабилар киритилади. Аллергия касалликлар ремиссия вақтида эмлаш 2 ойдан сўнг ушбу категория болаларда қизамиққа қарши иммун жавоб самарадорлигини оширди (1:20 ва 1:40 оралиғида антитаначалар титри кўпроқ қайд этилди ($p < 0,01$)) (3-расм), эмлашдан кейинги асоратлар ривожланиши ва аллергия касалликлар зўрайиши кузатилмади.

